Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
17 август
ЧОРШАНБА

№ 65
(12.389)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Вилоятимизнинг энг катта туманларидан бири Зангиотани таъбир жоиз бўлса, олтин камарга қиёс қилгулик. Унинг жуғрофий жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, меҳнаткаш, тадбирли халқи шундай дейишга изн беради. Умумий ер майдони 382,99 минг квадрат километр. Аҳолиси 355 минг 231 киши Ватанимиз юраги – азим Тошкентнинг 20 йиллик кўркига кўрк, салобатига салобат қўшиб, атрофини олтин камардек ўраб турган Зангиота – истиқлол нуридан товланиб, илму маърифат, қадр-қиммат, мустаҳкам эътиқод каби неъматлардан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Зангиота:

САЛОҲИЯТГА ХОС ИЛДАМЛИК

1. Ғайрат ва шижоатнинг бош омили руҳий хотиржамлик

Сўз ибтидосида халқимиз маънавий оламида ўзига хос из қолдирган тарихий шахс – Зангиота ҳақида икки оғиз гап айтиш ўринли бўлса керак. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ". Мустақиллик халқимиз табиатига хос бўлган юксак маънавиятнинг қайта кўз очишига, эмин-эркин қанот ёйиб, парвоз этишига йўл очиб берди. Шу маънода қадимги Шош (Тошкент) вилояти аҳолисини тасаввуф илми, илми зоҳирий ва илми ботинийдан бохабар этишга интилган Занги ота Ҳимматий марқадига бўлган муносабат истиқлол йилларида кескин ўзгарганини таъкидлаш жоиз. Йилдан-йилга обод бўлаётган қадамжо зиёратчилар билан доимо гавжум. Сўнгги йилларда ўрнатилган нақшинкор дарвозалар, барпо этилган фавворали булоқлар, ямяшил гулзор, майсазорлар, манзарали дарахтлар, умуман зиёратчиларга яратилган қулайликлар мамлакатимиздаги эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик, қадриятларимизга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромдан дарак. Руҳий хотиржамлик эса ҳар бир кишига куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишлаши ҳам бор гап.

Зангиоталикларнинг деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ борасидаги лаёқати мақтовга лойиқ. Туман иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутувчи саноат корхоналари, ишлаб чиқариш объектлари фаолиятига жон бағишлаётган аҳоли меҳнати самарасини қуйидаги рақамлардан сезиш қийин эмас. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярмида 209,5 миллиард сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилди. Яъни ўтган йилдагига нисбатан ўсиш суръати 19,5 фоиз бўлди. 236,6 миллиард сўмлик истеъмол моллари, 104,6 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Эътиборлиси, капитал қўйилмалар 299,3 миллиард сўмни ёки 323,6 фоизни ташкил этди. 31 миллион 500 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Яъни режа 196 фоиз адо этилди.

Умуман, соҳалар таҳлили туманда иқтисодий ўсиш таъминланганлигини кўрсатиб турибди. Бунда йирик саноат корхоналари: "Хайтек кабель", "Мева шарбат", "Plastherm technology", "Hi-tech habel" қўшма корхоналари, "Best metal constructions", "Eleron elit servis" масъулияти чекланган жамиятлари каби корхоналар, шунингдек, янги ишга туширилган "Asia Trade" қўшма корхонаси, пропилен қоплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Зарин Инвест" корхонаси ва тадбиркорлар ташкил этаётган хусусий корхоналар ҳиссаси катта. Бу бежиз эмас. Йил бошидан шу кунга қадар кичик бизнес субъектларига туман тижорат банклари ажратган кредит 11,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳар соҳада пешқадам зангиоталикларнинг 35 минг 738 нафари туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган меҳнаткаш инсонлар. Кенг далалар, яшнаган боғроғлар, муҳташам маданият кошоналари, ишлаб чиқариш корхоналари, ҳунармандлик расталари, салобатли савдо-сотиқ мажмуалари фидойилари учун 2011 йилда яна 7800 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Биринчи ярим йилликда 3988 та ўрнига 4183 киши ишли бўлди.

Истиқлол йилларининг тараққиёт одимлари туман аҳолиси ҳаётида кўламли ўзгаришлар ясаётгани айни ҳақиқат. Биргина "Asia Trade" қўшма корхонасида яратилган 350 та янги иш ўрни иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз. Бу ерда йилига 250 млн. дона бир марталик шприц ишлаб чиқарилади.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 2011 йил 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА.

Бўстонлиқлик тадбиркор Элмурод Назиров нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ғазалкент сара нон" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.

ҒАЗАЛКЕНТНИНГ САРА НОНЛАРИ

Корхонани минитехнология билан жиҳозлаш учун ўз ҳисобидан 30 миллион сўм сарфлади. Жамият иш бошлагандан буён ўтган қисқа вақтда аҳолига 70 миллион сўмлик сифатли нон етказиб берилди.

Туманда йилнинг биринчи ярмида ҳудудий инвестиция дастури доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 5 та лойиҳа амалга оширилди.

«ОЛМАЛИҚ ДЕВОР»НИНГ ПИШИҚ ҒИШТЛАРИ

Олмалиқ шаҳрида иқтисодий ночор, паст рентабелли ва кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ ҳудуддаги бир қатор корхоналар фаолияти қайта жонланмоқда.

Хусусан, "Олмалиқ девор" корхонаси пишиқ ғишт ишлаб чиқара бошлади. Хусусий корхонадаги технологик жараёнларни янгилаш учун 50 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Натижада, ишчилар 21 нафарга етиб, қисқа фурсат ичида 95 миллион сўмлик деворбоп қурилиш материали буюртмачиларга етказиб берилди.

Аъло РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Вилоят ҳаёти

АНГРЕН ШАҲРИ

290 КИШИ ЭНДИ ИШЛИ

Шаҳардаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Sungrentex" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Ўтган қисқа вақт ичида корхона буюртмачиларга 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб беришди.

Россиялик ҳамкорлар шу лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган эди. Натижада цехлар хорижнинг илғор ускуналари билан таъминланиб, йилига 1,2 миллион дона болалар либослари тайёрлаш имконияти юзага келди.

Айни пайтда 290 маҳаллий хотин-қизлар ишлаётган корхона маҳсулотларининг 95 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ

БАЛИҚ ҒЎШТИ МЎЛ БЎЛАДИ

Тумандаги "Асадбек Сарвиноз" фермер хўжалигида балиқчилик йўлга қўйилди.

Бунинг учун хўжалик Қуйи Чирчиқ туманидаги "Балиқчи" акциядорлик жамиятидан шартнома асосида 10 миллион сўмлик балиқ чавақлари ҳарид қилди. Айни пайтда улар 12 гектарлик ташландиқ жойда ташкил этилган ҳовузда парваришланмоқда.

Хўжалик аъзолари сентябрь ойида аҳолига 20 тоннадан зиёд парҳез таом етказиб бериш ниятидалар.

БЕКОБОД ТУМАНИ

ЯНА ИККИТА ҲАВЗА

Тумандаги "Назаров Асронқул" фермер хўжалиги банкнинг 22 миллион сўмлик кредити ҳисобидан сунъий ҳавза ташкил этиб, балиқчиликни йўлга қўйди.

Қўшимча 3 киши иш билан таъминланган жамоа мавсумда аҳолига 160 миллион сўмлик 40 тонна балиқ тортиқ этишни мақсад қилган.

Таъкидлаш жоизки, туманда йил охирига қадар балиқчилик йўналишида яна иккита лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Шерзод МУҲАММАДИЕВ.

АВГУСТ – ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

Деҳқон борки, экинига яхши ният ва катта умид билан дил боғлайди. Меҳнатларининг роҳатини кўришни орзулайди. Бебаҳо заминни унга ишониб топширган эл-юртига ёруғ юз билан боқишни истайди. Буни дилдан ҳис этган деҳқоннинг, хусусан, пахтакорнинг ўрни ҳозир далада. Айни дамлар унинг энг тиғиз, энг қизғин кунлари. Негаки, буни "асад", деб қўйибдилар. Керак бўлса, ғўза учун элакда сув ташийдиган пайт ҳозир.

ҒЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ

Мухбиримиз пахтачиликда айнан август ойининг аҳамияти, бу паллада қилиниши зарур бўлган кечиктириб бўлмас вазифалар, умуман, бу йилги бироз мураккаб шароитда пахтакорлар олдида турган долзарб юмушлар хусусида Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази вилоят бўлими раҳбари Абдуғаффор Отахўжаев билан суҳбатлашди.

– Аслида пахтакор учун осон келадиган йилнинг ўзи йўқ, – дейди А. Отахўжаев. – Ҳаракат, ташаббус, интилиш билан энг ноқулай келган табиий шароитда ҳам осмонўпар хирмонлар бунёд бўлганига, аксинча, озгина хафсаласизлик билан бор ҳосил ҳам барбод қилинганига гувоҳ бўлганмиз. Демоқчиманки, ғалвирни сувдан кўтарар вақтда хирмон уяман деган одам ҳозир ҳаракатини қилгани дуруст. Чунки, август – ҳосил тақдирини ҳал қиладиган, чинакам меҳнатни юзага чиқарадиган ой. Кузги шудгорнинг аҳамиятини билган деҳқон ғўза парваришида асаднинг хосияти қандай эканини ҳам билиши шарт.

– Вилоятимиз пахтазорларини кўздан кечирганимизда бу йил экин ривожи бир мунча эртарокдек туюлди.

– Тўғри. Пахтачиликдан озгина хабардор одам далани бир айланибоқ кўриши мумкин: бу йил ғўзаларимиз ривожи камида 10-15 кун илдам. Бу айни пайтдаги агротехник тадбирларнинг барчасини муддатидан кечиктирмай ўтказишни тақозо этади. Аксарият ғўза майдонларидаги ҳар туп экинда 7-9 тагача кўсак, 10 тадан 20 тагача хосил нишоналари бўй кўрсатиб турибди. Бу албатта, мўл хосилнинг белгилари. Бироқ, тажрибали фермерлар яхши билишадики, бундай даврда асосан тўрт муҳим жиҳатга эътибор қаратишгина ҳосилни бус-бутун сақлаб қолади. Булар – культивация, суғориш, чеканка ва ҳашаротларга қарши кураш. Мана шу тўрт жиҳатни назардан қочирмаган деҳқон маррани баланд олаверсин.

(Давоми 2-бетда).

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

ШАҲАР-ҚИШЛОҚЛАР ЯНГИ ЛИБОСДА

Байрамлар, тантанали маросимларни орасталик билан нишонлаш – яхши анъана. Мана йигирма йилки, ҳаётимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллик кунини бутун Ўзбекистон алоҳида тайёргарлик, ҳар қачонгидан кўра орастароқ, тантанаворроқ қиёфада кутиб олаётир. Шу қутлуғ байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда бунёдкорлик, янгиланиш жараёнлари ҳар қачонгидан ҳам кенг кўлам касб этади – бутун мамлакат ялпи ҳашарга чиқади.

Ўтган шанба ва якшанба – 13-14 август кунлари ҳам шундай бўлди.

Эрта тонгданоқ Пискент шаҳарчасидаги янгиланаётган боғ ҳашарчилар билан гавжум бўлди. Уни қайта бунёд этаётган "ОКМК" очиқ-акциядорлик жамияти қурувчилари бу мададдан беҳад хурсанд бўлишди.

– Эски истироҳат боғи ўрнида замонавий Ёшлар боғини барпо этяпмиз, – деди "ОКМК" капитал қурилиш бошқармаси етакчи муҳандиси Ғуломали Отаев. – Бу эртаканамо лойиҳани корхонамиз ҳашар йўли билан амалга ошираяпти. Бугунгача ҳайбатли ва кўркам дарвоза, марказий сайилгоҳ, 500 ўринли амфитеатр, шаршара, эртаклар шаҳарчаси, ёзги кинозал, музқаймоқ цехи, бошқа асосий бино ва иншоотлар тўла қўлдан чиқарилди. Ҳашар кунлари маҳалла ёшлари, соғлиқни сақлаш ходимлари дарахтларга шакл бериб, бир гектарча саҳнга чим ётқизишаяпти.

Умумхалқ ҳашари кунлари Бекобод тумани Гулистон қишлоғида янги маъмурий бинони фойдаланишга топширишди. Металлурглар шаҳрининг "Ўзбекистон" маҳалласида ҳам кўпчилик бўлиб янги гузарни битказишди. Пискент туманида эса Машраб кўчасининг уч километр узунликдаги қисми тўла таъмирланди. Қуйи Чирчиқда ҳашарчилар Мини-маркет ва 19-мактабгача таълим муассасасини ободонлаштириб, фойдаланишга топширишда бинокорларга катта ёрдам кўрсатишди.

Умуман, Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган хайрия ҳашари кунлари 1 миллион 487 минг 209 киши, шу жумладан, 910 мингга яқин ёшлар шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўча ва майдонларни қурилиш ва маиший чиқиндилардан тозалаш ва бошқа ишларда иштирок этишди. Ҳашарчилар кучи билан жами 8537 гектар майдонни эгалловчи хиёбонлар, сайилгоҳ ва истироҳат боғлари ободонлаштирилиб, сув йўллари тозаланди. 759 зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди. Бу ишларни бажаришга 1678 та техника воситаси жалб қилинди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳашарчилар кучи билан, асосан, кам таъминланган оилаларнинг 24 минг 168 квадрат метр фойдали саҳнга эга бўлган уй-жойлари таъмирланди. Биринчи куни 893, иккинчи куни 366 та оиланинг ҳовлижойи ҳашарчилар кучи билан таъмирланиб, суваб-бўялди.

Икки кунлик хайрия ҳашари давомида шаҳар ва қишлоқларимизда 123 миллиард 530 миллион сўмлик иш бажарилди. Лекин ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом этяпти. Майдонларга, сайилгоҳлар ва катта йўллар бўйлаб мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарғиб қилувчи паннолар, стендлар ўрнатиляпти. Оммавий сайиллар ўтадиган боғлар, хиёбонлар, майдонлар гўзал ва латиф қиёфа касб этяпти.

Жўрабек МУРОДОВ.

Зангиотанинг иқтисодий салоҳияти юқори, имкониятлари кенг туман сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Республика Президентининг "2011 йилги саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан тузилган Маҳаллийлаштириш дастурига 4 та корхона киритилган бўлиб, лияти чекланган жамиятларида 1 миллиард 175,4 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Йилнинг биринчи ярим йилида ўзлаштирилган инвестициялар 14,2 миллион долларни ташкил этди. Уларнинг 205 минг доллари (56,7 фоиз) тўғридан тўғри хорижий инвестициялар, 1,9 миллион доллари (9,4 фоиз) маҳаллий кредитлар, 658 минг доллари (33,8 фоиз) корхоналар-

Зангиота:

САЛОҲИЯТГА ХОС ИЛДАМЛИК

2. Кўрсатилаётган эътибор ва рағбат ташаббусга ундайди

уларда 9 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. "Plastharm technology", "Hi-tech kabel" қўшма корхоналари, "Best metal constructions", "Eleron elit servis" масъ-



қилган бўлиб, унга кўра йилнинг 3-4 чорагида 6 та фермер хўжалигида гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилиши лозим. Ҳозирги кунда "Шокаримҳожиота" фермер хўжалигида 350 минг АҚШ доллари сутни қайта ишлашга ихтисослашган минитехнология ўрнатилди. Дастурга киритилган "Биг Маг Плюс" қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўшма корхонасида 330 минг АҚШ доллари, "Файз Декор Бизнес" қандолатчилик ишлаб чиқариш корхонасида 1 миллион 905 нинг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келди. Бу кўрсаткичлар Юртбошимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ҳам таллуқли. Минитехнология ва ихчам ускуналарни харид қилиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган корхоналарни ҳамда сут қабул қилишга ихтисослашган сервис пунктларини ташкил этиш бўйича 2011 йил учун манзилли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра йилнинг 3-4 чорагида 6 та фермер хўжалигида гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилиши лозим. Ҳозирги кунда "Шокаримҳожиота" фермер хўжалигида 350 минг АҚШ доллари сутни қайта ишлашга ихтисослашган минитехнология ўрнатилди. Дастурга киритилган "Биг Маг Плюс" қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўшма корхонасида 330 минг АҚШ доллари, "Файз Декор Бизнес" қандолатчилик ишлаб чиқариш корхонасида 1 миллион 905 минг, "Меҳнат" сабзавотни қайта ишлаш корхонасида 180 минг, "Акватика Аква" (салқин ичимликлар)да 52 минг, "Биолайф Плюс" (трикотаж) 92,1 минг, "Само" (ампулали дори воситалари)да 20 минг, "Латиф сервис" (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш)да 80 минг, "Вуд Артс Инвест" (мебель ишлаб чиқариш)да 205 минг АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилганлиги таъкидлаганимиздек, имкониятлари кенг, салоҳияти кучли туман иқтисодиётини ривожлантириш йўлидаги кўламли саъй-ҳаракатлар натижасидир. Хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" туман дастурининг ижроси бўйича қилинаётган ишлар туманнинг вилоятимиз иқтисодиёти тараққиётидаги ўрни алоҳида эканлигини кўрсатади. Туманда фаолият кўрсатаётган 4188 та кичик бизнес субъектлари саноат (655 та), қурилиш (109 та), транспорт (80 та), чакана савдо (570 та), пуллик хизмат кўрсатиш (320 та) ва қишлоқ хўжалиги (956 та) соҳаларида эришилаётган ютуқларга салмоқли улуш қўшмоқда. Дастур доирасида 6 ойда 40 та кичик бизнес объектлари фойдаланишга топширилди.

Катта хўжаликнинг қадамлари ҳам илдам, ютуқлари залворли. Янгидан ишга туширилаётган тадбиркорлик субъектлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Демак, бошловчи тадбиркорларга, ривожланишда давом этаётган хусусий корхоналарга кўрсатилаётган амалий ёрдам, маънавий рағбат ўз мевасини бермоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Шахмон текстиль" корхонаси ишга туширилиши билан 50 та янги иш ўринлари яратилди. Яқин кунларда яна 50 киши ишли бўлиши кутилмоқда. Эшонгузар қишлоғи, Навоий маҳалласида очилган маиший хизмат шахобчаси, "Наврўз" маҳалласида автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи "Омад Авто Плюс" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши билан 47 киши бандликка жалб этилди. Қизғалдоқ қишлоғида фаолият бошлаган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш мажмуасида 55 киши ишлаяпти. Қатортол, Чоштепа қишлоқларида ҳам яна 4 та савдо мажмуаси ишга туширилди.

Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига ишли бўлган 1305 киши мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиши аниқ. Бу кўрсаткич олтин камардан таралаётган тараққиёт нурларининг биттаси холос. Тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибор, рағбат доимо ташаббусга ундайди. Шу маънода "Ташаббус – 2011" кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиби, республика босқичининг 2-ўрин соҳиби, йилнинг энг яхши тадбиркорларидан бири "Дентафилл-плюс" хусусий корхонаси раҳбарининг режалари ҳали олдинда.

Хуллас, зангиоталикларнинг ишбилармон тадбиркорлари фаолияти ҳақида ҳали узоқ сўзлаш мумкин. Бу туманда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили дастурининг тўлақонли ижроси натижаси десак муболаға бўлмас. Фикримизни қуйидаги рақамлар исботлаб турибди: ҳисобот даврида кичик бизнес субъектларига туман тижорат банклари 11,7 миллиард сўм кредит ажратди. Саноатда кичик бизнес субъектлари 6 ойда 102 миллиард 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Келажакда яна 500 га яқин юридик мақомга эга бўлган, 1000 дан ортиқ якка тартибда фаолият кўрсатувчи субъектлар рўйхатга олиниши, уларга энг камида 30 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилмоқда.

СУРАТЛАРДА: "Дурдона-Гули" хусусий корхонаси раҳбари Гулнора Убайдуллаева шогирди Гулшан Худойбердиевага касб сирларини ўргатмоқда; Тошкент пиёласини элга манзур этаётган "Сарвар Мирзо" хусусий корхонаси ишчиси Муроҳ Жўраев.

ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пулни банкларга жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати кучайтирилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Ушбу йўналиш бўйича ўтказилган текширишларда банк муассасаларига нақд пул топширмай, кирим ҳужжатларисиз ноқонуний равишда савдо фаолияти билан шуғулланувчи 358 нафар хўжалик юритувчи субъектлар аниқланиб, уларга 1048,4 млн. сўм молиявий жарима қўлланилди.

Шунингдек, нақд пул маблағларининг банк муассасаларига топширилишини таъминлаш мақсадида 13380 маротаба хронометражлар ўтказилиб, 6,8 млрд. сўм нақд пул маблағларининг банк муассасаларига топширилиши таъминланган.

Ўтказилган 78 та қисқа муддатли текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 54 та жиноят иши қўзғатилди.

Айрим ҳолатларда нақд пул тушуми режаси мунтазам равишда бажарилмаётганлиги эътиборга олиниб, вилоят прокуратураси томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари пул-кредит сиёсати комиссияларининг бу борадаги фаолияти ўрганиб чиқилди ҳамда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ

Жумладан, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги пул-кредит сиёсати комиссиясида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 августдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 2011 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 264-сонли қарорлари ижроси ўрганилганида, комиссия аъзолари ва ушбу соҳа бўйича масъул бўлган мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан нақд пул тушуми режасини белгилашда нақд пул топширувчи хўжалик юритувчи субъектлар имконияти ўрганилмаганлиги ва таҳлил қилинмаганлиги, комиссия қарорларининг ижроси таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, туманда 28 нафар шахс тегишли тартибда туман солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмасдан ҳамда инкассация хизмати билан шартнома тузмасдан тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, туман пул-кредит сиёсати комиссияси раиси ўринбосари У. Суюнов ва Ўрта Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи М. Сердировларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шунингдек, давлат тижорат "Халқ банки"нинг Паркент филиали бошқарувчиси М. Жўраев, мазкур банкнинг Ўрта Чирчиқ филиали бошқарувчиси Р. Зиятдинова, Қуйи Чирчиқ филиали бошқарувчиси Н. Аббосов, акциядорлик тижорат "Агро банк"нинг Паркент филиали бошқарувчиси М. Йўлдошев, ушбу банкнинг Бўка филиали бошқарувчиси Ж. Қосимов, акциядорлик тижорат "Ипотека банк"нинг Чирчиқ филиали бошқарувчиси Ф. Тўйчиев, Оҳангарон филиали бошқарувчиси У. Хатамов, ташқи иқтисодий фаолият "Миллий банк"нинг Чирчиқ филиали бошқарувчиси З. Обламуродов, акциядорлик тижорат "Савдогарбанк"нинг Газалкент филиали бошқарувчиси А. Абдураҳимовлар томонидан 2011 йилнинг апрель ва май ойлари учун бюджетдан молиялаштирилган иш ҳақи, пенсия ва нафақа пулларини тўланишини асоссиз равишда кечиктирилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида улардан 192 нафари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, инкассация хизмати билан шартномалар туздирилиши таъминланди.

"Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур масалада ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 64 та тақдимнома киритилиб, 2021 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилди. 121 нафари интизомий, 31 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 6,8 млн. сўм етказилган моддий зарарни ундириш юзасидан 16 та даъво аризалари киритилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолати юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Нодир АБДУЛЛАЕВ,
Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ёшларни эзгу орзу-ниятлар йўлида бирлаштириш, уларни фаол ва соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг куч-ғайрат ва иқтидорларини тўла намоён этишларини таъминлаш, жамиятда ўзларига муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мана ўн йилдирки, қизғин фаолият юритиб келмоқда.

ЁШЛАРНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Ўтган даврда ташкилотнинг изчил саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, мамлакатимиз ёшларининг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Эндиликда, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати миллионлаб ўғил-қизларнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланди десак, муболаға бўлмайди.

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида "Камолот" ёшлар ташкилоти ўзининг ўн йиллигини нишонлайди ҳамда III Қурултойини ўтказади.

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманидаги Маънавият ва маърифат марказида ҳаракат вилоят кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туман кенгашлари конференцияларидан сайланган 250 вакил ҳамда республика ва вилоятнинг ўнлаб ташкилотларидан меҳмонлар иштирок этишди.

Конференцияда вилоят кенгаши ўтган даврда эришган ютуқ ва камчиликлар, навбатдаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Таъкидландики, ўтган ўн йил давомида ҳам қизғин фаолият, ҳам ташкилий-таркибий жиҳатдан катта ижобий ўзгаришларга эришилди. Ҳозир вилоят шаҳар ва туманларида ҳаракатнинг 1282 бошланғич ташкилоти ишлаб турибди. "Камолот" сафига қўшилган ёшлар 392 минг 842 нафарга етди.

Конференцияда Азамат Камолов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси этиб сайланди. Шунингдек, конференциядан 55 вакил ташкилотнинг олий органи – Қурултойда иштирок этиш учун сайланди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАРБИЙ-СПОРТ ОРОМГОҲИ

Паркент туманидаги "Бойчечак" оромгоҳида 72 нафар вояга етмаганлар ўртасида ҳарбий-спорт оромгоҳи ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракатлар яхши самара берди.

Уч кун давомида иштирокчилар учун турли ўқув семинарлари, маънавий-маърифий, профилактик, спорт ўйинлари, "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида турли маданий учрашувлар ташкил этилди.

Ёпилиш маросими чоғида фаол иштирокчилар тақдирланишди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Еркибой БОТИРОВ олган сурат.

ОГОҲЛИК

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Ўтаётган ҳар бир кунимиз энг улуғ, энг азиз байрам, Истиқлол шодиёналарига яқинлаштирмоқда. Ватанимиз бўйлаб кезаётган эрк, озодлик, ҳуррият саболари ўзбекистонликларга беқиёс масрурлик, шукроналик туйғуларини бахш этмоқда. Ватандошларимиз чеҳрасидаги қувонч, шодлик ифодалари, улкан бунёдкорлик, яратувчилик кайфияти, кўтаринкилик дўст-биродарларимизда ҳавас уйғотаётганлиги ҳам бор гап.

Мустақил диёр, озод ҳаёт, эркин меҳнат алёрлари баралла янграётган тинч, фаровон ҳаётимиз бардавом, боқий бўлиши нафақат мамлакатимиз раҳбарлари ёки ҳуқуқтартибот органлари ходимлари, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига боғлиқ. Яъни, ўзини, ўз уйи, ўз Ватанини бегона кўзлардан, ёт унсурлардан эҳтиёт қилиш, ҳар қадамда эътиборли бўлиш, сергак ва ҳушёр юриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Бир қарашда 20 йил қисқа фурсатдек кўринади. Аммо, бир навқирон йигит ёшида жаҳон аҳлини лол қолдираётган тамаддун жилолари яхши ниятли кишилар дилига ёруғлик бағишласа, бахиллар қалбини зимистон қилиши ҳам сир эмас. Халқимизда "Ўзингга эҳтиёт бўл..." деган гап бежиз айтилмаган. Шу маънода ҳар ким юрган йўли, борган жойида ҳушёр бўлиши, бошқаларни ҳам огоҳликка чорлаши лозим. Бу ҳар бир ўзбекистонликнинг ўз Ватани, ўз халқи олдидаги муқаддас бурчидир. Илоҳим, барчамизга қутлуғ рўзаи Рамазон кунларини, улуғ айём, Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини тинчлик, осойишталикда ўтказиш насиб этсин.

Саида РАҲМОНОВА.

АВГУСТ – ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ

ҒЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАЙДИ

– Ёз чилласида кунлар ҳаддан зиёд исиб кетганига нима дейсиз?! Бу ҳосилга қандай таъсир қилади? Умуман, бу йилги бироз қурғоқчил келган мавсумнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

– "Узгидромет"нинг маълумотларига қараганда, бу йилги ёз чилласида анча юқори ҳарорат кузатилди. Бундай вазиятда агротехника тадбирларини тўғри ташкил этиш, айниқса, катта аҳамият касб этади. Сабаби, агар намлик етарли бўлмаса, ғўза танасидаги физиологик, фотосинтез ва бошқа модда алмашинув жараёнлари бузилади. Иссиқ забтига олганда тупроқ юзасидаги ҳарорат 60-70 даражага кўтарилади. Бунда буғланиш юқори бўлиши ҳосил элементларига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Демак, барча ҳаракатлар ғўза қатор оралари намлик кўпроқ сақланишига, ғўзани тунда суғориб, сувни тежашга, экинни имкон қадар шарбатга қондиришга қаратилиши лозим. Яна бир муҳим жиҳат – ғўзани юқори меъёрларда суғоришга йўл қўйиб бўлмайди. Суғориш муддати 18-20 соатдан, сув меъёри гектарига 800-1000 куб метрдан ошмаслиги керак.

Шу ўринда шарбат усули хусусида ҳам икки оғиз сўз. Унинг афзаллиги шундаки, экинга маҳаллий озуқа бўлиш билан бирга сувнинг бўғланишини кескин камайтиради, тупроқдаги озуқаларни экин тезроқ сингдиришига кўмак беради, пахтазорда ҳароратни мўътадиллаштиради. Шунингдек, суғоришлар оралиғини узайтириб, сувни тежайди. Энг муҳими, ғўзанинг ўсиши ва ҳосил тўплашини тезлаштиради.

– Бундай шароитда чеканканинг ҳам аҳамияти катта бўлади, чоғи...

– Албатта. Айниқса, бу йил ҳосил эрта етилаётгани учун ушбу тадбирни фермерлар вақтлироқ бошлаб юбордилар. Бу ўз навбатида эҳтиёжга қараб ғўзани 2-3 марта чилпиш имконини беради. Агротехник тадбирнинг яна бир яхши томони шуки, кўпроқ экин оралайсиз. Натижада ғўза орасида ҳаво айланишини яхшилайди. Қатор оралари қанча кўп шамоллатилса, ғўза турли касалликлардан, хусусан, гоммоздан сақланади.

Яна бир муҳим жиҳат борки, буни ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Маълумки, вилоятимизда 2012 йил учун бошоқли дон экинларининг, хусусан, ғалланинг каттагина қисми ҳозирги ғўза қатор ораларига экилади. Бу эса ҳосирдан бошлаб ғалла экилиши белгиланган майдонларда майин қатлам ҳосил қилишни, бунинг учун культивацияни ниҳоятда сифатли ва ўз муддатида ўтказишни талаб этади. Ҳозир 3-4 кун кечиктириб ўтказилган культивация ҳам 3-4 центнер ҳосилни йўқотади.

Муҳим тадбирлар сирасига экинни ҳашаротдан сақлаш ҳам киради. Бинобарин, биологик усулнинг афзалликларини энди ҳамма яхши тушуниб етди. Фурсатдан фойдаланиб, пахтакор фермерларни вилоятимиздаги биофабрикалар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишга чорлаган бўлардим. Вилоятимизда 50 дан ортиқ биолаборатория бор. Бу жуда катта имконият. Ундан фойдаланиш керак.

Муҳими, бу йилги ҳосил нишоналари кўрган кўзни қувонтирмоқда. Ҳозирги ғоят муҳим ва саноқли кунлар пахтакорларнинг заҳматли меҳнатларини юзага чиқарадиган палла. Ишонамизки, фермерларимиз буни яхши англайдилар. Уларнинг бу йўлдаги ҳаракатлари ҳали замон ўз натижаларини бериб, вилоятимиз пахта хирмони ҳар йилгидан салмоқли бўлади.

Алишер РАҲМАТОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЛАРИ

Умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз педагоглар кўп. Лекин ҳар бирининг ўз йўли, ўз услуби, ўз амалий тажрибаси бор. Саъй-ҳаракатларининг самаралари ҳам турлича. Ўз касбига бутун борлиғи билан хизмат қилаётганларнинг иқболи порлоқ.

ЮРАГИНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАГАН УСТОЗ

Бўка туманидаги меҳрибонлик уйи тарбиячиси Қосима Турсунова шундай изланувчан, юксак салоҳиятли, энг муҳими, ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, обрў-эътибор топаётган педагоглардан. У Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини француз ва немис тилларидан ўқитувчи мутахассислиги бўйича тамомлаганига 30 йилдан ошди. Дастлаб 46-ўрта мактабда ўқувчиларга немис тили фани бўйича сабоқ берди. Кейинроқ меҳрибонлик уйида тарбиячи бўлиб ишлай бошлади. Ўтган йиллар давомида у ўз касбининг моҳир устаси сифатида танилди.

– Изланган иқболини топаркан, – дейди Қосима Маҳкамовна. – 2006 йили "Юрагимни болаларга бағишлайман" шиори остида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашдим.

Ўша йили Қосима Турсунова "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакил сифатида ҳам қизғин фаолият кўрсата бошлади. У олиб борган серқирра фаолият самараси шу бўлдики, кўрик-танловда меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоатчи вакил йўналиши бўйича вилоятда совринли ўринни эгаллади.

Илғор тарбиячи болалар билан якка тартибда иш олиб боришга вақтини асло аямайди. Тарбиявий ишлар жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиб, ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитишга, интеллектуал салоҳиятини оширишга эришяпти. Унинг тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш ҳамкасбларига ҳам муваффақият келтиряпти.

– Миллий истиқлол ҳаётимизни, меҳнатимизни янги мазмун билан бойитди, – дейди юрагини болалар тарбиясига бағишлаётган устоз. – Ҳар бир тарбияланувчи баркамол, мустақил юртимизнинг чинакам ватанпарвари бўлиб етишиши, янгиланаётган ҳаётимизда муносиб ўрнини топиши учун меҳнатимиз, билим ва тажрибамизни аямаймиз.

Жўрабек МУРОДОВ.
СУРАТДА: Қосима Турсунова.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Зангиота:

САЛОҲИЯТГА ХОС ИЛДАМЛИК

3. Истиқлол туфайли ерли бўлишди, ризқли бўлишди

Бир томони Хонобод, Эшонгузар, Ўртаовул, Эркин, бир томони Чоштепаю Масалбой, Келесу Ҳасанбой каби шаҳарча, қишлоқ ва маҳаллаларни бирлаштириб турган туманни бежиз олтин камарга ўхшатмадик. Бу ҳудудларда етиштирилаётган ноз-неъматлар: олма, узум, нок, беҳи, анжир, хурмо, шафтолилар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, гўшт, сут, тухум эл дастурхони тўкинлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси. Ямяшил далалар, боғ-роғлар камардаги зумрад ҳалқаларга ўхшайди. Қаҳратон қишда ҳам дастурхонидан барра пиёз, хушбўй кўкатлар, мева, шарбатлар аримайди. Сабаби, деҳқончиликнинг ҳаддини олган, меҳнатдан бўйин товламайдиган фидойилар, ҳаракатидан барака унадиган уста деҳқон, ишбилармон тадбиркорлар макони бу.

Истиқлол шарофати билан ҳар соҳада бемисл юксалишлар юз бераётган туман аҳли ҳамжиҳатликда бунданда юқори марраларни кўзлаб турибди. Етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 104 миллиард 7 миллион сўмга етиб, ўсиш суръати 9,1 фоиз бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда республикада боғдорчилик ва узумчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги баённомасига кўра, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга қаратилган ҳудудий дастур ишлаб чиқилиб, шу асосда қатор ишлар амалга оширилди. Режадаги 120 гектар ўрнига 139 гектар ерда яратилган янги боғларнинг 56 гектари интенсив боғ. Яна 91 гектар ерда токзор барпо этилди. 232 гектар боғ ва 81,5 гектар токзорлар қайта реконструкция қилинди. Туманнинг қарийб, 409 километрга чўзилган йўлларидан ўтсангиз, мана шу гуркираган боғ-роғлар, экин майдонлари, ишлаб чиқариш корхоналарию савдо-сотиқ мажмуалари, хуллас катта ҳаёт мавжларининг гувоҳи бўласиз.

Тўғри, таъкидлаганимиздек, катта хўжаликнинг ташвишлари ҳам ўзига яраша бўлади. Аммо, якдиллик, фидойилик барча муаммоларнинг калити. Эл ризқи унаётган саховатли замин инсон меҳри, меҳнати билан янада баракали ҳосил беради. Баҳром Бойқунусов ерни беқиёс меҳр билан ардоқловчи заминдор. 63,5 гектар ерда деҳқончилик қилади. Фермернинг мақсади хўжалик ерларини кенгайтириб, экин турларини кўпайтириш.

– Бу йил 23 гектар ерда ғалла етиштирдик, – дейди у. – Ҳосилдорлик гектаридан 58центнерни ташкил этди. Буғдой топшириш режасини 100 фоизга бажардик. Шу кунларда сабзавот маҳсулотларини йиғиб-териш ҳаракатидамиз. Ёз неъматлари юртдошларимизнинг байрам дастурхонини тўлдирса, файз-барака бағишласа қандай яхши!

Чорвадорлар хусусида ҳам илиқ-иссиқ гаплар айтса арзийди. Дастурга асосан, 2011 йилда чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш бўйича 19 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланди. "Дадол Саидолимхон" фермер хўжалигида 150 бошга мўлжалланган бўрдоқичилик фермаси ташкил этилди. "Шахобиддин Али Яздий" фермер хўжалигида 500 бош қорамол ва "Пегас Агро Мастер" хўжаликларига четдан 33 бош наслли қорамол олиб келиш режалаштирилган.

Паррандачилик бўйича қилинаётган ишлар ҳам айтишга арзигулик. 4 та паррандачилик хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 162 минг парранда боқиляпти. "Набия Барака" фермер хўжалигида 50 минг, "Машҳад" агрофирмасида 22 минг, "Голден Чикен Хаус" корхонасида эса 80 мингта. Яна 50 минг парранда боқилиши йўлга қўйилади. Чувалачи қишлоғида 11 минг, Назарбекда 11 минг 600, Хонободда 1200 та парранда, Халқ таълими муассасаларининг 35 тасида қорамол, 76 тасида парранда боқиш йўлга қўйилганлиги бу соҳага бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигидан далолат.

Балиқчилик соҳасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ёмон эмас. 3 та ихтисослашган хўжаликда интенсив балиқ етиштириш режалаштирилган. Ҳозир "Шукур Нодир Агро" фермер хўжалигида битта кўл, интенсив усулда 3 та оддий ҳовуз, "Эшонхўжа ота" фермер хўжалигида интенсив ҳовуз ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА: фермер Баҳром Бойқунусовнинг режалари ҳали олдинда; зангиоталикларнинг дастурхонини безайдиган тансиқ неъмат – асал етиштирувчилардан Комил Тошхўжаевнинг саъй-ҳаракатлари билан 100 қути асалари боқилмоқда.

ДИЛ СЎЗИ

ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бугун юртимизда фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий тамойиллар яратилди.

Аввало, жиноятлар таснифи тўлиқ ўзгартирилганини таъкидлаш ўринли. Оғир жиноятлар тоифасига киритилган хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди. Айни пайтда судлар жиноий, фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштирилиб, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш ҳамда ярашув институти жорий этилди. 2008 йил январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Айни пайтда шундай ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида прокурор ва адвокат ҳуқуқлари тенглигини ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда адвокатлар мустақиллиги кафолатларини кучайтириш жадаллашиб кетди.

Ислоҳотлар жараёнида, шунингдек, Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази ташкил этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозир бу марказ мамлакатимизда одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, суд фаолиятига аралашиш ва ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик йўлида амалий ҳаракатлар қилмоқда. Пировардида, бу, аввало, инсон манфаатлари, унинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият даражасида ҳурмат қилинишини таъминламоқда.

Энг муҳими, бугун соҳадаги ислоҳотлар самарасига мувофиқ тарзда замондошларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бормоқда. Бунга кундалик иш фаолиятимизда яққол амин бўлмоқдамиз. Фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англашлари, ўзаро муносабатларда ҳуқуқий маданият устуворлик касб этаётгани кишини қувонтиради. Буларнинг барчаси мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари, хусусан, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кутилган самараларни бераётганидан далолатдир.

Гўзал ХЎЖАЕВА,
4-Зангиота давлат нотариал идораси нотариуси.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ЎСИМЛИК ЁҒИДАН ЗАҲАРЛАНИШ МУМКИНМИ?

Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бу борада қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, давлат ва жамоат назоратининг уйғунлиги таъминланмоқда. Лекин, қонунбузарлар, манфаатпарастлар ҳам қўл қовуштириб ўтиришмаяпти.

Улар турли йўллар билан бойлик орттириш илинжида. Ҳатто, инсон саломатлиги ҳам уларга писанд эмас. Хусусан, қўлбола ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчиларнинг "тадбиркорлик фаолияти" фикримизга далил бўла олади.

Ўсимлик ёғи таркибида инсон ҳаёти учун зарур биологик моддалар, ёғ кислоталари, фосфативлар ва стеринлар бўлади. Улар инсон танасига қувват бўлувчи манба ҳисобланади.

Бироқ, сифатсиз ўсимлик ёғи турли касалликлар келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шу оддий ҳақиқатни инкор этувчи "ишбилармонлар" эса, ҳануз тегишли технологик жараёнларга амал қилмаган ҳолда ёғ ишлаб чиқаришни давом эттиришаётир. Бундай қўлбола ўсимлик ёғларини шаҳар ва қишлоқларда сотиш ҳоллари учраб турибди. Кўча-кўйда, белгиланмаган жойларда, бозорлар атрофида инсон саломатлигига хавфли бўлган сифатсиз, ишлаб чиқариш шарт-шароити номаълум бўлган ўсимлик ёғларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган кимсалар оз эмас. Жумладан, ўтказилган текширишлар чоғида вилоятимизнинг айрим туманларида уй шароитларида озиқ-овқат саноатида ишлатилиши қатъиян тақиқланган, ҳар хил заҳарли дорилар билан ишлов берилган чигитлардан қўлбола қурилмалар ёрдамида пахта ёғи ишлаб чиқарилаётганлиги аниқланиб, қонун доирасида чоралар кўрилмоқда. Бу пинҳона "цех"да белгиланган санитария-гигиена қоида ва меъёрларига риоя этилмайди, тегишли шарт-шароитлар яратилмаган.

Бундай ёғнинг ишлатилиши жигарда сурункали хасталиклар, ошқозон-ичак йўлларида хавфли яралар, юрак-қон томирларида бегона ёғ тўпланиши, қон босими кўтарилиши, айниқса, ҳужайраларда модда алмашинуви бузилишига олиб келади.

Сифатсиз ўсимлик ёғи таркибидаги заҳарли гассипол моддаси овқатдан заҳарланишга ва ўткир ошқозон-ичак касалликларига сабаб бўлади.

А. ИСМОИЛОВ,
вилоят ДСЭН маркази овқатланиш гигиенаси бўлинма мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

ООО "ANHOR FAYZ BIZNES" (ИНН 301474786), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента, расположенное по адресу: массив Спутник-6, дом 7., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 12 от 18.07.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 501-55-65.

ООО "DILZODA LIBOSLARI" (ИНН 301929527, ОКПО 23591009), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, махалля Куш кургон 1-проезд, дом 16, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 16.08.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 659-42-44

ООО "SYLVER NET SERVIS" (ИНН 301049009, ОКПО 22631830), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Зангиатинского района Ташкентской области, расположенное по адресу: Эшонгузар кургони, ул. Охунбобоев, дом 20, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 16.08.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: +99890 919-79-82.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "XAMDAM OTA" хусусий фирмасининг ташкилий ҳуқуқий шакли "XAMDAM OTA" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 1997 йил 20 августда Мустафокулов Эльмурод Эгамкулович номига берилган № 184547 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 10.03.2011 йилда № 002366-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 201012144) "SADO LTD" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота:

САЛОҲИЯТГА ХОС ИЛДАМЛИК

4. Одамлар кайфиятида шукроналик ва дахлдорлик туйғуси

"Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, – дейилади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли китобида, – Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш. Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак"...

Зангиоталикларни маълум маънода мана шу улуғ мақсад – мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама юксалиш йўлида ёруғ келажак сари олға интилаётган инсонлар сифатида эътироф этиш лозим. Туманнинг нафақат иқтисодиёти, балки халқининг маънавий-маърифий даражаси, истиқлол неъматларига шукроналик, дахлдорлик туйғулари ўтказилаётган ҳар бир тадбирларида сезилиб туради. Халқ таълими, тиббиёт, "Маҳалла" жамғармаси каби ташкилотлар фаолияти фикримиз исботи. Юртбошимиз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири алоҳида эканлигини таъкидлайди. 92 минг 839 та оила, 63 минг 168 та хонадонни бирлаштирган 20 та қишлоқ, 151 та маҳаллада олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларда барча жамоат ташкилотлари фаол иштирок этади. Мактабгача таълим, мактаб, коллеж, тиббиёт муассасалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ҳамкорлиги кўзланган мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда. "Энг намунали маслаҳатчи", "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам", "Менинг маҳаллам тарихи" каби танловларда иштирок этаётганлар орасида кексаю ёш, ўқувчию ўқитувчи, ҳамширалар шифокор, тикувчию сотувчи, фермер ва тадбиркорлар ҳам бор.

– "Маҳалла – ҳам ота, ҳам она" деб бежиз айтилмаган, – дейди туман "Маҳалла" жамғармаси раиси Ғафур Соипов. – Мамлакатимизда маҳалла институтига алоҳида эътибор қаратилаётгани, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилаётгани олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллиги ўзини ўзи бошқариш идораларига давлатимиз томонидан билдирилган катта ишончни кўрсатади.

Туман миқёсида ўтказилган "Менинг маҳаллам тарихи" кўрик-танлови иштирокчиларининг чиқишларида ҳар бир маҳалладаги маънавий муҳит яққол намоён бўлди. Айниқса, Масалбой қишлоғидаги "Мажнунтол" маҳалласи, Зангиота қишлоғининг "Эски қалъа" маҳалласи, Юнусободнинг "Ойдин ҳаёт", Ҳасанбойнинг Норхўжа Алимқулов маҳаллалари ёшларининг интилувчанлиги, иқтидори, ўз маҳалласи, қишлоғи, ниҳоят Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати, қадриятларимизга ихлосу ҳурмати маҳаллалар ҳақиқатан ҳам маънавият маскани эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбир иштирокчиларининг аксарияти ёшлар. Тумандаги 78 та умумтаълим мактабларида 45 минг 631 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. 58 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари 6612 нафар. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама соғлиқ, юксак маънавият эгаси бўлиб етишиши учун яратилаётган шароитлардан бири умумтаълим мактабларида ташкил этилган турли ўқувчи ва ёшлар ижодиёт марказлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Болалар марказда ташкил этилган тўгаракларга қатнашар экан, келажакда қайси йўналишда ўқиши мумкинлигини ўзлари аниқлаб оладилар. 2011-2012 ўқув йилида туман касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейга 4260 ўқувчи қабул қилинади. Ўз навбатида коллежларни битираётган 2591 нафар ёшларнинг 1020 нафари иш билан таъминланган. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар билан тузилган уч томонлама шартнома асосида 518 битирувчи ишга қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида ташкил этилган 30 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та поликлиника, 2 та диспансер, 2 та кўп тармоқли поликлиника "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида жиҳозланди. Бу тиббиёт масканларида аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилаётган фидойи шифокорлар, ҳамширалар кўп. Улар 50 минг 225 ўқувчини тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказишди. Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Жумладан, "Ўзгариш" қишлоқ врачлик пункти 6900 аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Шифокор Дилбар Ғаниеванинг айтишича, аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий маданияти анча ўсганлиги учун турли касалликлар билан мурожаат этувчи беморлар камайди. Қоларверса, уларга хизмат кўрсатаётган тиббиёт масканлари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Сайёра РИХСИЕВА,
Собир ЗУФАРОВ (суратлар),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: "Ўзгариш" қишлоқ врачлик пункти шифокори Дилбар Ғаниева ёш оналар билан суҳбатлашмоқда; зангиоталик сув маликалари.

РАМАЗОН – САХОВАТ ОЙИ

Мустақил юртимизда муборак Рамазон ойи ҳар қачонгидан-да кўтаринки руҳда давом этмоқда. Халқимизнинг азалий миллий-маънавий фазилат ва қадриятлари ҳисобланмиш меҳр-мурувват, қаноат ва шукроналик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик хислатлари мазкур руҳониятнинг ойида янада кучлироқ намоён бўлмоқда. Шаҳар-қишлоқларимиз, маҳалла-кўй ва хонадонларимизда ўзгача бир тароват, хотиржамлик, меҳр-мурувват ва бағрикенглик руҳи устувор.

Муҳтарам Юртбошимизнинг шу қутлуғ ой арафасида қабул қилган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарори халқимиз ҳаётидан, турмуш тарзидан чуқур ўрин олган кўп асрлик диний қадриятларимизга давлат миқёсида кўрсатилаётган катта эътиборнинг, иззат-ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлади.

Рамазон покланиш ойи, раҳмат ойи, мағфират ойи, тинчлик, меҳр-мурувват, саховат ойи каби кўплаб сифатлар билан таърифланади. Маълумки, саховат инсоний фазилатлар орасида ва ушбу ойда янада улуғворроқ тарзда намоён бўладиган шарофатли хислат ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда "Аллоҳ сенга эҳсон қилганидек, сен ҳам эҳсон қил" деб марҳамат қилади. (Қасос, 77). Эҳсон дейилганда биз биринчи навбатда ўз молимиз воситасида кимгадир манфаат етказишни, муҳтожларнинг мушкулини осон қилишни тушунамиз. Закот, фитр садақа, ҳадя қилишлар шу эҳсон турларига киради.

Бироқ, мол хайр-садақаси ҳамманинг ҳам қўлидан келмаслиги мумкин. Чунки, киши аввало ўз аҳлига эҳсон қилишга буюрилган. Оила эҳтиёжидан ортсагина бошқаларга ёрдам берилади. Аммо, бу қўли қисқа инсонлар эҳсон қилиш савобидан бенасиб қоладилар, дегани эмас. Шу боис Қуръони каримда ҳам, Ҳадиси шарифларда ҳам эҳсон, хайр-садақа кенг маънода тушунтирилади. Мол-мулки билан садақа қилишга имкони йўқлар илму ҳунарлари билан кимларгадир манфаат етказишлари мумкин. Бунинг ҳам имкони бўлмаса, ҳаётий тажрибаси ва ақлфаросати билан йўлидан адашган, ҳаётда ўрнини тополмаётган кимсалардан панд-насиҳатларини аямаса, бу ҳам катта эҳсон ўрнига ўтади.

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрак дурур...

Халққа наф етказиш, бу – яхшилик, яъни эҳсон қилишдир. Наф етказиш қандай кўринишда бўлмасин, хоҳ моддий, хоҳ маънавий – аввало наф берувчининг ўзига кўпроқ манфаат келтиради, демоқдалар Алишер Навоий ҳазратлари. Дарвоқе, шундай эмасми?! Эҳсон қилган киши, биринчидан, ўзида қониқиш, руҳий хотиржамлик ҳис этади. Руҳий хотиржамлик эса дунёдаги энг бебаҳо неъматдир. Қолаверса, Аллоҳ таоло Қуръони каримда "Ким яхшилик қилса, унга ўша яхшилигидан кўра яхшироқ нарса берилади ва у қиёмат кунининг қўрқинчидан омонда бўлади" дея ваъда қиладики, бу хайр-саховатни одат қилган бандалар икки дунё саодатига эришмоғидан далолатдир. (Намл, 89).

Кишиларга самимий табассум билан боқиш, яхши сўз билан ўксик кўнгилларни кўтариш, тасалли бериш, очиқ юз билан саломлашиб ўтиш ҳам эҳсон, хайр-садақа ўрнига ўтади. Шарофатли Рамазон кунларида мана шундай садақотлар савобидан бебахра қолмаслик ҳаракатида бўлишимиз керак...

Ҳикоя қилишларича, бир киши ёрдам сўраб келган дўстининг ҳожатини чиқариб, хурсанд қилиб жўнатибдида, кейин ўзи маҳзун тортиб, йиғлашга тушибди. Хотини ҳайрон бўлибди. "Дадаси, дўстингизни мушкулини осон қилдингиз, у хурсанд бўлди. Нега энди ўзингиз йиғлаб ўтирибсиз?" деб сўрабди. Шунда ҳалиги киши: "Эҳ, хотин, мен йиғламай ким йиғласин. Ахир дўстим ҳожат тилаб эшигимга келди-ку. Нега мен унинг эшигига бормадим, нега у сўрамасдан олдинроқ унинг аҳволини билиб, берадиганимни бермадим?!" дебди алам билан. Дарҳақиқат, ҳожатманднинг ҳожатини чиқариш, қуруқ қайтармаслик олижаноблик. Аммо, сўралмасдан бурун қилинган ҳожатбарорлик ва эҳсоннинг даражаси анча баланддир.

Сир эмас, одамларнинг турмуш даражаси ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Чунки, кишининг яшашга қобиллиги, иқтидори, меҳнатга муносабати, табиати бир хил эмас. Шундай экан, катта мартаба, мол-дунё эгаси ўз мавқеидан кибрланиши, босар-тусарини билмай қолиши яхшилик аломати эмас. Кибр Аллоҳ наздида энг ёмон хислат саналади. Ҳадиси шарифда "Тангри сахийдир, сахийларни севади" дейилганидек, давлатманд одам ўз мол-дунёси сарфида хайр-садақани олдинги ўринга қўйиши керак. Худо берган давлат ҳар қанча хайр-садақа қилингани билан камайиб қолмайди. Шу маънода закот мол-дунё ҳифзиҳимояси учун энг яхши воситадир.

Рамазон ойи кириши билан одамларимизда руҳий кўтаринкилик, меҳрибонлик, бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибат, саховат кўрсатишга мойиллик каби инсоний фазилатлар кучайиши кўпроқ кузатилади. Бу Рамазон ойининг ўзига хос тарбиявий ҳикматлари натижасидир. Бироқ, бундай яхши амаллар, жумладан, саховатли бўлиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш фақат Рамазон ойида қилинадиган мавсумий одат эмас. У халқимизнинг бобомерос, азалий анъана-қадриятларидандир. Рамазон ойида эса инсон қалбидаги яхшилик, эзгулик туйғулари руҳоний бир муҳит таъсирида кучлироқ намоён бўлади. Шу сабабдан бундай шарофатли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишимиз, руҳиятимиз, онг-тушунчаларимизга унинг ҳикматларини сингдиришимиз, шу йўл билан покланишимиз, ўз-ўзимизни тарбиялашимиз лозим. Шунда бир ойлик рўзадорлик давримизда ўзимизга юқтирган фазилатлар, хусусан, саховатпешалик ҳаёт тарзимизга, доимий одатимизга айланади ҳамда Рамазон ойида амалга оширган ишларимизни кейин ҳам изчил давом эттиришимиз осон кечади.

Курбон ҳожи ТУРСУНОВ,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби.

MIKROKREDITBANK

очиқ акциядорлик тижорат банки
Тошкент вилоят филиали

MIKROKREDITBANK

Барча юртдошларимизни
энг улуғ ва саодатли байрам
Ўзбекистон Мустақиллигининг
20 йиллиги билан
самимий қутлайди!
Истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига, нурли йўли ва келажагига эга бўлган давлатимизнинг шуҳрати бунданда буюк, салоҳиятли бўлсин.
Диёримизнинг ҳар гўшасида шоду хуррамлик, байрам кайфияти ҳукм сураверсин.

СПОРТ

СУВ МАЛИКАЛАРИ

Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси шаҳар кенгаши ҳамкорлигида "Сув маликаси" спорт мусобақаси ўтказилди.

Маҳаллаларнинг 30 га яқин вакиллари икки ёш гуруҳ бўйича 25 ва 50 метр масофага сузиш мусобақаларида биринчилик учун курашишди.

Ҳар икки масофада ғолиб чиққан Х. Мақсудов маҳалласи вакиласи Гўзал Тўраева "Сув маликаси" деб топилди. "Моҳир сузувчи" номинацияси бўйича Надежда Стрельцова, "Чаққон сузувчи" номинацияси бўйича Зумрад Сейтимова ғолиб чиқишди.

Еркебой БОТИРОВ ва Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

Тошкент шаҳар "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "ABDURASHID-FARHOD" МЧЖга тегишли 8-230/2009й. кадастр реестр рақамли бино гувоҳномаси, ТА 0760309 рақамли ер гувоҳномаси, магазинга тегишли O'Y 212730, 8-231/2009 кадастр реестр рақамли бино гувоҳномаси ва бекат мажмуасига тегишли ТА 0760310 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧП "RUZBAX SAVDO" (ИНН 205848969, ОКПО 20440592) преобразуется в ООО "RUZBAX SAVDO".

Олмазор (аввалги Собир Раҳимов) туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Юсупов Муроджон Насирович номига берилган № 004861 рақамли 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный ордер № 799 серии 0022419, выданный частной фирме "XAFIZA SAVDO" адрес: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Усмана Юсупова, дом 76, на основании распоряжения Управления Госкомимущества за № 728 ПП-Р от 03.09.2003г.,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 30.09.2010 йилда № 1007801 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 447154129) якка тартибдаги тадбиркор Никулин Владимир Юрьевичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамга йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "OLTIN SHAMOL SERVIS" сообщает о своей реорганизации в форме присоединения к ООО "OROMBAXSH SERVIS". ООО "OROMBAXSH SERVIS" становится правопреемником всех долгов и обязательств ООО "OLTIN SHAMOL SERVIS". Претензии принимаются в течение одного месяца с момента опубликования настоящего объявления по адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Катартал, 38. ИНН 301717538.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 6861. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20. 1234